QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 14-fevral, shanba • №7(3797)

# ТУНУ КУН БЕДОР МАСКАН



Мамлакатимизда ислоҳотлар жараёни фаол кечмоқда. Жумладан, ички ишлар идораларида ҳам бу жараён изчил давом эттириляпти. Амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ тизим ходимлари хизматда самарадорликка эришиб, жиноятчиликнинг илдизига болта уриш билан бирга, содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни фош этиб келмоқда. Кейинги йилларда Қашқадарё вилояти ички ишлар идоралари тизимларида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилаяпти.

Яқинда бошқарма навбатчилик қисми қайта ташкил этилди, десак муболаға бўлмайди. Боиси, маъмурий бинонинг ичида жойлашган навбатчилик қисми тўлиқ таъмирланган янги бинога кўчиб ўтди. Ҳар томонлама қулай, шинам хизмат хоналари, замонавий компьютер жамланма ва техникалари, мебеллар, алоҳида хизмат ўринлари, янги русумдаги алоқа воситалари билан таъминланди. Бундан ташқари, тергов-тезкор гуруҳи, дам олиш, ювиниш, овқатланиш, компьютер техникаларига хизмат кўрсатиш, видеокузатув маркази, кутубхона ва алоқа хизмати хоналари мавжудлиги фаолиятда тезкорликка эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бу имкониятлар навбатчилик қисми ходимидан фақат тезкорлик, юксак касбий маҳорат ва тайёргарлик, зийраклик билан иш юритишни талаб этади.

**Содиқ РАҲИМОВ.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

*Қашқадарё вилояти.*

ҲИСОБОТ

## ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Республика ИИВ Марказий госпиталида ИИВ Тиббиёт бошқармасининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов кириш сўзи билан очди.**

Вазир ўринбосари ўз нутқида республика ИИВ тиббиёт ходимларининг ички ишлар ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларнинг саломатлигини сақлаш, шахсий таркиб ўртасида турли касалликларнинг олдини олишда муайян ишларни амалга оширганликларини айтиб ўтди. Давомида муассасалари замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан таъминлангани, бинолар таъмирланиб, жойларда янги бўлим, бўлинмалар ташкил этилгани соҳада самарадорлик ошишида омил бўлаётганини ҳам таъкидлади. Шунингдек, нотиқ қўлга киритилаётган ютуқлар билан биргаликда, йўл қўйилган камчиликларга ҳам тўхталиб, уларни бартараф этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник А. Аминов ИИВ тизимидаги даволаш профилактика муассасаларининг 2008 йилги фаолияти якунлари ва 2009 йилдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди. Маърузачи ўтган йилда амалга оширилган ишлар билан бирга, бир қатор масалаларнинг ечими борасида ҳам тўхталди. Жорий йилда шахсий таркиб ва ходимларнинг оила аъзолари ҳамда фахрийларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш учун профилактик тадбирларни кучайтириш лозимлиги қайд этиб ўтди.

Йиғилишда 2009 йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

МИННАТДОРЧИЛИК

## МЕҲРИБОН ШИФОКОРЛАР

*Яқинда саломатлигимни тиклаш мақсадида республика ИИВнинг Наманган шаҳрида жойлашган физиотерапия шифохонасида даволандим. Бу сиҳатгоҳда ўз касбининг чинакам фидойилари борлигига амин бўлдим. Шифокор Қодирхон Ғаниев, ҳамширалар Басида Эсонбоева, Раъноxон Мамажонова, кичик ҳамшира Муҳаббатхон Қирғизованинг ширинсуханлиги, меҳрибонлиги саломатлигимни тез кунда тиклаб олишимда ижобий таъсир кўрсатди. Уларнинг беминнат хизматларидан мен қатори кўплаб даволанувчилар мамнун бўлдилар.*

*Ушбу масканнинг барча шифокорларига кўпчилик даволанувчилар номидан миннатдорчилик билдираман.*

**Адҳамжон ЭСОНОВ, подполковник.**

*Фарғона вилояти.*

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасининг ишонч телефони: 236-23-70**



ЖАРАЁН

# КУЧЛИ ДАВЛАТДАН ЖАМИЯТ САРИ

***Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган улуғвор ютуқлари, халқимизнинг эртанги кунга ишончи, мамлакатимизда изчил ривожланиб бораётган демократик жараёнлар ҳар биримизнинг қалбимизда фахр ва ифтихор уйғотади. Амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида тарихан қисқа вақт ичида республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида яхлит ҳуқуқий тизим яратилди.***

Фракциянинг ҳар бир йиғилишида биз буни ҳис этиб турамиз. Зеро, Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисига олиб чиқиладиган барча қонун лойиҳалари аввало фракциялар муҳокамасидан ўтказилади.

Жамиятимизда кечаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар натижасида, бугун мамлакатимиз ўз тарихий тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг энг муҳим жиҳатлари хусусида гапирганимизда, демократияни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш сингари ҳал қилувчи масалалар кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Агар битта йўналишни кенгроқ олиб шарҳлайдиган бўлсак, мустақиллик йилларида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари мактаби яратилди, шаклланганрилди, ривожлантирилди. Ўша ислоҳотлар самараси ўлароқ, айни пайтда республикамизда беш мингдан ортиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Ташкилотлар номланиши, йўналиши, аъзоларининг сони хилма-хиллигидан қатъи назар уларнинг барча саъй-ҳаракатлари бир асосий мақсад – мустақил Ўзбекистон Республикасининг бугуни, эртаси ва порлоқ истиқболи йўлида сафарбар этмоқдалар. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни таъкидлаш жоизки, ушбу ташкилотлар ўз даврининг, мамлакатга кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маҳсули ҳисобланади.

Истиқлол йилларида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Асосий қонунимиз – Конституцияга таянган ҳолда, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги каби бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур қонунлар мамлакатимизда фаолият юритаётган ушбу ташкилотларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва оёққа туриб олишига кенг имкониятлар яратди.

Ўтган давр мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли кучайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2008 йилдаги ишларини сарҳисоб қилганда ушбу йўналишда ҳам улуғвор ишлар амалга оширилганлигини ҳис қилиш мумкин. Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси фракцияси аъзолари ўз йиғилишида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилган соҳалардан бири – Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантиришдир дея таъкидлашди.

Дарҳақиқат, янги, мустақил, демократик нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тизими мавжуд бўлмас экан, мамлакатнинг тўлақонли ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини таъминлаш ҳам мумкин эмас. Бу ҳол бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган туб демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўли танланганидан кейин айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бундай жамиятда ушбу тизимнинг юксалишини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари муҳофаза қилинишини кучайтиришдан иборатдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамияти институтларини изчил ва мустақил ривожлантиришни таъминлаш, мамлакатни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил ва энг демократик принципларига асосланган тизими ташкил қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилди. Фонд маблағлари нодавлат нотижорат ташкилотлари берган талабномалар ва Парламент комиссияси қарорлари асосида оралиқ бўғинлар ва тузилмаларнинг иштирокисиз бевосита нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилади.

Ушбу ташкилотларга ажратилган маблағлар ҳажмини белгилаш Парламент комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида ва муддатларида Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Мазкур маблағларнинг ишлатилиши, яъни сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот ҳам худди юқоридаги тартибда муҳокама қилинади. Ушбу фаолиятнинг ошкоралигини таъминлаш мақсадида ҳисобот ОАВларида ҳам эълон қилинади.

Маблағ қандай лойиҳаларга ажратилади, деган ҳақли савол барчани қизиқтириши табиий. Маблағлар нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамияти институтларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий ва социал аҳамиятга молик лойиҳаларга ажратилади. Шунингдек, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтиришга, халқаро семинарлар, давра суҳбатлари каби лойиҳаларни таъминлашни ҳам кўзда тутади.

Фонднинг маблағларидан белгиланган мақсадларда самарали фойдаланиш юзасидан назоратни, яъни мониторингни амалга ошириш Парламент комиссияси зиммасига юклатилади. Жамоат фонди тўғрисидаги ва Парламент комиссияси ҳақидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қўшма қарори билан тасдиқланади.

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Шу жумладан, ушбу ҳужжатда ҳам уларга ўз фаолиятларини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ҳужжат мамлакатимиз Президенти томонидан мустақилликнинг илк йилларида белгилаб берилган беш тамойилдан бири – кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ғоясини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшади.

**Раъно ЗАРИПОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

ПАЙҲОН

# УВОЛИ ТУТМАСИН!

Сурхондарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ҳокимликлар, қишлоқ ва сув хўжалиги, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда ғалла пайҳонига қарши кенг кўламли профилактик тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ички ишлар ходимлари барча ғалла майдонлари, айниқса, қишлоқ ва овулларга яқин ҳудудларда буғдой майсаларининг нобуд қилинишининг олдини олиш учун назорат, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқдалар. Аввало, йўл бўйларидаги ғаллазорларга ҳимоя тўсиқлари тортилди. Пайҳонга қарши кураш тадбирида маҳалла оқсоқоллари ва профилактика инспекторлари бош-қош. Маҳаллалар қошида 301 та кузатув постлари ташкил этилди. Уларга дала қоровуллари бириктирилган. 122 та гуруҳ ўз сафларида МТП профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари жамоат тузилмаси аъзолари ҳамда ички ишлар идоралари соҳалари бизнес хизмат вакилларини бирлаштирган.

Олиб борилаётган тушунтириш, тарғибот-ташвиқот, назорат ишлари ва профилактик тадбирларга қарамай, айрим фуқароларнинг чорва молларини назоратсиз қолдириши оқибатида ғаллазорларга зарар етказилмоқда.

Қумқўрғон тумани Янгиқишлоқ маҳалласида яшовчи М. Қиличевнинг икки бош қўйи «М. Ҳиммат ўғли» фермер хўжалиги даласига тушиб, буғдой майсаларини топтаган. Шу туманнинг С. Бойматов номли хўжалиги даласига Хўжамулки маҳалласида яшовчи К. Ражабовнинг қорамоли тушиб, экинларга зарар келтирган. Ҳар иккала ҳолат юзасидан туман ИИБ ҲООБ профилактика инспекторлари томонидан тегишли баённома тузилди ва мол эгалари жаримага тортилдилар.

Ғалла – ризқ-рўзимиз, бойлигимиз, уни пайҳон қилиш эса жиноят, увол. Шунинг учун ҳам пайҳонга қарши кураш нафақат ички ишлар идоралари ходимларининг вазифаси, балки кенг жамоатчиликнинг иши бўлмоғи керак.

**Абдурасул ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**капитан.**

*Сурхондарё вилояти.*

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

### КУЧЛИ ЁНҒИН

Австралия тарихида мисли кўрилмаган ёнғин содир бўлди. **Associated Press ахборот агентлиги**нинг хабарига кўра бир неча кундан бери давом этаётган ёнғин оқибатида 130 нафарга яқин одам ҳалок бўлиб, 750 та турар жой биноларининг кули кўкка совурилган 4 минг нафар аҳоли бошпанасиз қолган. Айниқса, Янги жанубий Уэлс, Виктория ва Жанубий Австралия штатлари кўп талафот кўрган. «Яшил қитъа»да ҳукм сураётган жазирама ва кучли шамол ёнғинни бартараф этишда қийинчиликлар туғдирмоқда.



### ИНҚИРОЗ АСОРАТЛАРИ

Экспертларнинг таъкидлашича, жаҳон иқтисодий инқирозидан энг катта зарар кўраётган соҳалардан бири автомобилсозликдир. «Nissan» корпорацияси раҳбари Карлос Гоннинг таъкидлашича, дунё автомобиль саноати яна етти йилдан сўнг ўзини ўнглаши мумкин. Ҳозирги кунда бу соҳа автомобилларга талабнинг камайгани, кредитнинг йўқлиги ва валютанинг кўтарилиб, пасайиб туриши сабабли зарар кўрмоқда.

### ИШСИЗЛИК СОНИ ОРТМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Меҳнат вазирлигининг ойлик ҳисоботига асосланиб **«Bloomberd»** нашрининг ёзишича, АҚШда ишсизлик жорий йилнинг дастлабки ойида 7,2 фоиздан 7,6 фоизга кўпайган. Январь ойида 598 мингта, иқтисодий инқироз «расман»тан олинган 2007 йилнинг декабридан буён эса мамлакатда 3,6 миллион ишчи ўрни қисқарган.

### ҚЎПОРУВЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

**AFP ахборот агентлиги**нинг хабарида айтилишича, Афғонистон пойтахтида полиция ходимлари икки нафар террорчи-камикадзени мамлакат Адлия вазирлигида, яна бир нафарини эса Таълим вазирлиги биносида отиб ўлдирган. Полициячиларнинг саъй-ҳаракатлари билан юз бериши мумкин бўлган портлашларнинг олди олинган. Маълумотларда айтилишича, сал аввал Қобул шимолида террорчи-камикадзенинг портловчи қурилмани ҳаракатга келтириши натижасида саккиз нафар одам ҳалок бўлган эди. Ушбу қўпорувчиликлар ортида «Толибон» ҳаракати турганлиги аниқланган.

### ҒАРОЙИБ ОПЕРАЦИЯ

Ҳиндистонда яшовчи 67 яшар аёлнинг чаккасидаги катталиги футбол тўпича келадиган ўсма операция қилиниб олиб ташланди. Лакҳмани Девининг юзидаги ўсма бундан 25 йил аввал ўса бошлаган. Бироқ у яшайдиган қишлоқ шифокорлари операция мижознинг ҳаётига хавф солади, деб ҳисоблашган. Охир-оқибатда қарияни Деҳлидаги Умумҳиндистон тиббий фанлар институти врачлари операция қилишди. Ушбу амалиёт муваффақиятли ўтган. Айни кунларда аёл ўзини яхши ҳис қилмоқда.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

*ИИВ ҲООББ ходимлари Австрия, Бирлашган Араб Амирликлари, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларда бўлиб, юқорида номи зикр этилган масалалар бўйича турли халқаро анжуманларда иштирок этишди.*

«ОРИЯТ»

# ОДОБ-АХЛОҚ – БОҚИЙ ҚАДРИЯТ

**Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус, диёнат каби боқий қадриятлар азалдан халқимиз бой маънавиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган. Афсуски, бугунги мураккаб шароитда «оммавий маданият» ниқоби остида ёшларимизга турли ёт ғоялар, маънавий бузуқлик ва ахлоқсизликларни тарғиб этишга уринаётган айрим галамислар айнан ана шу бобомерос қадриятларимизга болта уришга уринаётгани сир эмас.**

Республика ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ одоб-ахлоқ йўналиши ҳамда порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатишга қарши курашиш соҳасидаги фаолликни ошириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. 2004 йил республика ички ишлар идоралари профилактика хизматлари таркибида Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими, бўлинма ва гуруҳлари ташкил этилди.

– Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда бир неча маротаба «Орият» махсус профилактик тадбир ўтказилади, – дейди ИИВ ҲООББ бошлиғи ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматов. – Бош бошқарма ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, «Истиқболли авлод» ахборот-маърифат маркази билан ҳамкорликда олий таълим ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари ўртасида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишлар режаси тузилган. Ўтган йилнинг март ойида ИИВ раҳбарияти иштирокида Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари талабалари билан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик, гиёҳвандлик, экстремизм, одоб-ахлоқ ва порнографик нарсаларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мавзусида учрашувлар ўтказилди. 2008 йилнинг апрель ойида эса ана шундай учрашувлар пойтахтимиздаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда, сентябрь ойида эса ўрта мактабларда ўтказилди.

Ўтган йил давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 130-моддаси («Порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш») бўйича иккита ҳолат аниқланди. Мисол учун, пойтахтимизнинг Миробод туманида яшовчи фуқаро А. Абдушукуров республика ИИВга мурожаат этиб, Ҳамза туманидаги «Янгиобод» ихтисослашган бозорида беҳаё тасвирлар туширилган дисклар сотилаётганини маълум қилди. Ўтказилган текширувлар чоғида шу туманда яшовчи А. Абдураҳмонов ҳақиқатан ҳам ана шундай дискларни сотаётгани аниқланди ва ундан 160 та диск олинди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Таъкидлаш жоизки, 2008 йил мобайнида ИИВ ҲООББ Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ходимлари томонидан республикамиз бўйича порнографияга дахлдор 114 та ҳолат аниқланди ва тегишли тартибда чоралар кўрилди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, одоб-ахлоқ масаласи мавсумий бўлмай, ҳар лаҳза, ҳар сониядаги эътибор қаратиш зарур бўлган долзарб масала. Шуни инобатга олиб ички ишлар идоралари ходимлари бу борада мунтазам равишда семинар-йиғилишлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, республика ИИВ ҲООББ Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими Бош прокуратура, МХХ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда одоб-ахлоқ ҳамда порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада фаоллаштириш мақсадида семинар-йиғилиш ўтказди.

Бу борадаги халқаро тажрибаларни ўрганиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўтган йиллар давомида ИИВ ҲООББ ходимлари Австрия, Бирлашган Араб Амирликлари, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларда бўлиб, юқорида номи зикр этилган масалалар бўйича турли халқаро анжуманларда иштирок этишди. Бу давлатларда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар билан танишишди.

Бир сўз билан айтганда, айни пайтда ИИВ ва унинг жойлардаги бўлинмалари манфаатдор давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ҳамда одоб-ахлоқ доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларни жадал давом эттирмоқда.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.**

СУРАТЛИ ЛАВҲА

## ШИЖОАТЛИ ХОДИМА

**Сабе Умерова Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармасида юрисконсульт вазифасини бажариб келмоқда. Бошқармада юритиладиган барча ҳужжатларнинг қонун ва қоидалар асосида бўлишини назорат қилади. Ҳар бир ҳужжат билан ишлаганда асосий эътиборни унинг талабларга асосан тузилиши ва моҳиятига қаратади. Корхона ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузишда ҳуқуқий билим катта аҳамият касб этади. Бу эса С. Умеровадан доимий изланиш, билимларни бойитиб боришни талаб этади. У иш жараёнида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимлар маслаҳатига таянишга ҳаракат қилади.**

**Ўз мухбиримиз.**



Суратда: *майор Сабе Умерова бошқарма ШТБИХ инспектори, лейтенант Отабек Ғаниев билан ҳужжатларни кўздан кечиришмоқда.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

### САДҚАИ ЙИГИТ КЕТ...

Тошкент вилоятидаги гўзаллик салонларидан бирида ишлайдиган Ж. Дилноза ишини тамомлаб, уйига кетаётганди. Кўприкдан ўтаётганда бир йигит ичида «Нокия» русумли уяли телефони ва заргарлик тақинчоқлари бўлган сумкасини юлиб олиб, қочиб кетди. Бўстонлиқ тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида талончи қўлга тушди. У 1973 йилда туғилган О. Наримон экан.

### ЯНГИ УЙДАГИ ЎҒИРЛИК

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида яшовчи К. Нодир туман ИИБга мурожаат этиб, янги қурилаётган хонадонининг дарвозаси қулфи номаълум шахслар томонидан бузилганини ва «Акфа» русумли эшик ҳамда 14 дона ромлар ўғирлаб кетилганини маълум қилган. Мазкур ҳолат юзасидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар ўз самарасини берди. Ушбу жиноятни Л. Йўлдош содир этганлиги ошкор бўлди.

### ДЕВОР ОШГАН КИМСА

Уй бекаси А. Эъзоза юмуш билан ҳовлига чиққанди, номаълум кимса девордан ошиб тушганини кўриб қўрқиб кетди. Лекин аёл бақириб, қўшниларни ёрдамга чақиришга улгурмади. Босқинчи унга пичоқ тираб, заргарлик буюмларини олиб, воқеа жойидан қочиб кетди. Андижон шаҳар ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли босқинчиликни амалга оширган М. Нозим ушланди. Энди у қилмишига яраша албатта, жазо олади.

### ЧУВ ТУШИРГАН «ҲОЖАТБАРОР»

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманида ўзини Адибахон деб таништирган аёл А. Замирани «хорижга ишга жўнатаман», деб алдаб, унинг уч минг АҚШ долларини олиб кетганди. Кўрилган чоралар натижасида Фарғона шаҳрида яшовчи, 1956 йил туғилган Л. Адиба Замирани чув туширгани маълум бўлди.

**Ё. БОБОЖОНОВ,**
**сафдор.**

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ

# БОЛА БОШИДАН...

**Ўтган йили Гулистон туманида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик кескин камайди. Бунга биринчи галда олиб борилган профилактик тадбирларнинг самарали бўлганлиги сабаб эришилди.**

– Мактаб ўқувчилари билан учрашган борганимда ўқитувчилар профилактик рўйхатда турган Жўрабек Латипов, Ўрол Абдураҳмонов, Фаёз Аҳмадхоновни дарсларда мунтазам иштирок этиб, яхши ўзлаштираётгани ҳақида айтишди, – деди туман ИИБ ВЕОҲООГ инспектори, капитан Азамат Тожибоев. – Ота-оналари ҳам назоратни кучайтиришган. Машғулотлар тугаши билан кўчада тентираб юрмай тезда уйга бориб, рўзғор юмушларига ёрдамлашаётганини таъкидлашди. Буни эшитиб кўнглим тоғдек кўтарилди. Чунки, болалар энди яхши йўлни топиб олишганди.

Аммо бир ўқувчини ҳеч тартибга солиб бўлмади. Унинг исм-шарифини айтишни лозим топмадим. Оилада эркароқ ўсган, ота-онаси унга ҳаддан ташқари меҳрибонлик қилишган. Болага меҳрибон бўлиш яхши, яна қаттиққўллик ҳам керак. Айниқса, ўғил болалар назоратдан чиқиб кетса, кейин изга солиш осон кечмайди. Биз уни Самарқанддаги махсус интернатга жўнатишга мажбур бўлдик.

Ўз ишига виждонан ёндашган киши ҳар қандай шароитда ҳам эвини топади. Профилактика инспектори болаларни ёмон йўлга кириб кетишининг олдини олиш учун қўлидан келган барча чорани кўряпти. Отабек Мирзажоновни айримлар энди тарбиялаб бўлмайди, дея фикр билдирган эди. Лекин капитан А. Тожибоев ўсмирнинг кўнглига қўл солиб, унинг нималарга қизиқиши, мақсад, орзулари ҳақида билиб олади. У ҳунар эгаллаб, устачилик қилишни ёқтирарkan. Касб-ҳунар коллежи раҳбарияти билан маслаҳатлашиб, ўқишга жойлаштиради. Унинг айтишича, бола ҳозир дарсларни яхши ўзлаштиряпти. Бироқ назоратдан четда қолган эмас.

– Бола тарбиясига оиладаги муҳит катта таъсир қилади. Шунинг учун биз оиладаги аҳволни ўрганиб, бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган отаоналарни ҳам назорат қиляпмиз. Ҳ. Ҳусанов мунтазам ичиб, оиласида жанжал кўтариб, болаларини уйидан ҳайдаб юборадиган одат чиқарган. Болалари гоҳида мактабга бормай қолиши ана шундан экан. Биз уни маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилдик. Гарчи тавбатазарру қилган бўлса-да, назоратга олганмиз. З. Наталья ҳам топганини ичиб, болалар тарбиясига эътибор бермай қўйгани учун муҳокама қилдик, – деди Азамат Тожибоев.

Ҳозир туман ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи рўйхатида 21 нафар ўсмир ва болаларнинг исм-шарифи қайд этилган. Уларнинг ҳар бири билан тарбиявий ишлар олиб борилаяпти. Профилактика инспектори бунинг учун биз биринчи галда мактаб ўқитувчилар жамоасини жалб этган. Қолаверса, бир болага етти қўшни ота-она деган нақл бор. Тарбияси оғир болаларга кўз-қулоқ бўлиб туриш, эгри йўлдан қайтариш учун маҳалла фаоллари ҳам кўмак беришяпти.

Ҳеч бир кимса болага ўз отаонасидек тарбия беролмайди. Шунинг учун ҳам доим ота-оналардан бола тарбиясига эътиборли бўлиш ҳақида суҳбат ва учрашувлар ўтказилиб турибди. Бу йилги режада амалий ишларни яна кучайтириш кўзда тутилган.

**С. АБДУЛЛАЕВ.**
*Сирдарё вилояти.*

**ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ**

# ТУШУНТИРИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

***Наманган вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ҳамда унинг қуйи тизимлари томонидан ўтган йил давомида қарийб 155 минг нафар фуқарога миллий паспорт ягона тизимдаги компьютерлар орқали расмийлаштириб берилди. Биринчи марта паспорт олаётганларга тантанали равишда топшириш барча туманларда анъанага айланди. Ана шундай маросимларда ёшларга паспорт қоидаларига қатъий риоя қилиш ўзига хос фуқаролик бурчи эканлиги тушунтириб борилмоқда.***

Умуман, ўтган йилнинг ўзида аҳолига паспорт тартиботи, бу борадаги Ўзбекпстон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни тарғиб қилиш, тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали 170 тадан зиёд чиқишлар қилинди.

Айтиш жоизки, тизим ходимлари томонидан вилоят ҳудудида тезкор вазият барқарорлигини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, профилактик ҳисобга олиш, улар устидан назоратни кучайтириш, паспорт қоидаларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли «Антитеррор – Тозалаш», «Паспорт» ва «Спитамен» каби тадбирларда бошқа хизматлар вакиллари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Паспорт-виза», «Арсенал» ва «Фуқаро» тадбирлари давомида хонадонлар, меҳмонхоналар, ётоқхоналар ҳамда вилоят ҳудудидаги корхона, ташкилотлар, таълим-тарбия муассасалари, бозорлар, дала ҳовлилар назорат текширувидан ўтказилди. Ана шу жараёнда паспорт-виза тартиботига риоя қилмаётган 24 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан тегишли чора кўрилди, 1757 нафар хориж ҳамда МДҲга аъзо давлатлар фуқароси мамлакатимизда қолишга қонуний асоси йўқлиги учун ўрнатилган тартибда чиқариб юборилди.

Шунингдек, 800 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган текширувда 64 нафар масъул шахсга нисбатан паспорт қоидаларини бузгани учун маъмурий чора кўрилди. Масалан, Учқўрғон тумани машина-трактор парки раиси И. Усмонов фуқаро О. Зокировни амал қилиш муддати тугаган паспорт билан ишга қабул қилгани учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Наманган шаҳрида жойлашган «Фахрийлар уйи» меҳмонхонаси маъмурияти лицензияси бўлмаган ҳолда хорижий фуқароларга жой бергани учун директор ўринбосари А. Абдураҳмоновга 417 минг 500 сўм миқдорида жарима солинди.

Айни пайтда вилоятимизда вақтинча ва доимий яшаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этишлари юзасидан бошқа хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда тузилган махсус режалар асосида иш олиб борилмоқда.

**Кутбиддин ҚАМБАРОВ,**
**подполковник.**
*Наманган вилояти.*

**ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ**

# ҒАЙРАТЛИ СЕРЖАНТ

**Бугун юртимизнинг қайси гўшаси, қайси меҳнат жамоасига борманг, у ерда ғайрат ва шижоати жўшган, интилувчан ёшларни учратасиз. Уларнинг иқтидорига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибордан унумли фойдаланган кўплаб ёшларимиз талайгина ютуқларга эришаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.**

Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари орасида ҳам ана шундай серғайрат, ёшлар талайгина. Ана шундайлардан бири – ЁХБ инспектори, кичик сержант Мирзаолим Солизода билан учрашганимизда у қизғин иш устида экан.

– Болалигимдан ички ишлар идораларида ишлашни орзу қилганман, – дейди у. – Ниятим ижобат бўлиб ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кирдим. Ўқишни тамомлаганимдан сўнг тўғри шу ерга ишга келдим.

Шу йилнинг 16 сентябрдан 17 сентябрга ўтар кечаси Фарғона шаҳридаги Турғунов кўчасида жойлашган уйлардан бирида ёнғин содир бўлганлиги ҳақида шаҳар ИИБ ЁХБ навбатчилик қисмига хабар қилинди. Ҳодиса юз берган жойга ўт ўчирувчилар билан бирга Мирзаолим Солизода ҳам етиб борди.

Ёнғин кўп ўтмай бартараф этилган бўлса-да, унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш бир мунча қийин кечди. Чунки, ёнғин шундоққина қўшни хонадонларда юз берган, боз устига, унга сабаб бўлувчи бирор носозлик ҳолати кўзга ташланмасди. Мирзаолим ўз иш тартибига кўра ёнгин содир бўлган уйлар атрофини кўздан кечирди, воқеа жойини обдон ўрганиб чиқди. Кузатув натижасида ёнғин кимдир қасддан ташкиллаштирганини аниқлади.

Мирзаолим пухта режа асосида жиноятчиларни топишга киришди. У биринчи галда ён томондаги уйларни назоратдан ўтказди. Текшириш жараёнида қўшни хонадонлардан бирида турган қовға ўсимлиги унинг эътиборини тортди. Шундан сўнг Мирзаолим уй эгасини сўраб-суриштирди. Маълум бўлишича уй эгаси 1979 йилда туғилган У. Қодир экан.

– Иш юзасидан кўплаб шу каби ҳодисаларнинг устидан чиқаман, – дейди қаҳрамонимиз. – Энг асосийси, бундай паллада қандай йўл тутишни билиш керак.

Дарҳақиқат, бу ёш ва ғайратли йигитнинг хатти-ҳаракати, интилиши самараси ўлароқ юқоридаги каби жиноятлар фош қилинаяпти. Кўплаб ёнғин ҳодисалари олдиндан бартараф этилди. Аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш борасида ишларини олиб боришда ҳам у алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Шижоати тўлиб-тошган Мирзаолимнинг ниятлари бир дунё. Танлаган шу касби орқали эл-юрт хизматини қилиб, дуо олишни олий бахт деб билади.

**Абдувосит СИДДИҚОВ.**
*Фарғона вилояти.*

# СУРАТЛИ АХБОРОТ




**Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасида ўз касбига садоқатли, соғлом ва жисмонан бақувват йигитлар хизмат қиладилар. Айтиш жоизки, бўлинма ходимлари томонидан тумандаги тоифаланган объектлар, давлат идоралари ва муассасалари, фуқароларнинг мол-мулки ишончли қўриқланаяпти. Соҳа ходимлари қўриққа олинган объектларнинг техник мустаҳкамлиги ҳамда ёнғинга қарши ҳолатини доимий равишда кузатиб боришади.**

Суратда: *туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси взвод командири, капитан Олтибой Худойназаров ва туман сув тақсимлаш иншооти бошлиғи Дамин Турсоатов режадаги ишларни муҳокама этмоқда.*

**Эркин ТЎЛЯЕВ.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**
*Сурхондарё вилояти.*

**ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ**

# ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИНИ АЯМАСА...

**Самарқанд шаҳрини ёнгиндан муҳофаза этувчи 1-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисми давлат ёнгин назорати ҳудудий кичик инспектори, кичик сержант Ориф Фозилов шаҳарнинг Бек маҳалласидаги хонадон соҳибига электр симлар эскиргани, уни ўзгартириш зарурлигини қатъий таъкидлаганди. Орадан 10 кун ўтмай бу ерда электр симларининг яроқсиз ҳолга келгани ва зўриқиши натижасида ёнғин чиқди.**

Бир неча дақиқада 3 та хона, ошхона ва айвони, том қисмининг эса 70 фоизи ёнғин ичида қолди. Ёнғиннинг кучайишига сабаб уйнинг том қисми ёғоч қурилмаларининг йиллар давомида қуриб, ёнувчанлик хусусияти ошганлигидир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, сўнгги пайтларда шаҳар ва туман ҳудудларидаги маҳаллаларда «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси томонидан аҳоли огоҳлантирилмай табиий газнинг ўчирилиб ёқилиши, хонадонларда оддий резина шланглар, яроқсиз газ иситиш печ ва ускуналаридан фойдаланишлари, ўзбошимчалик билан ясалган маиший баллонларнинг ишлатилиши оқибатида 2009 йилнинг январь ойида вилоят бўйича 84 та ёнғинлар содир бўлган. Натижада 5 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган, 9 нафари турли куйиш тан жароҳати билан касалхонага ётқизилган.

Аксарият кўп қаватли уйларда фуқаролар ўзларига шароит яратиш, ошхонани кенгайтириш мақсадида газ плитасини балконга чиқариб ўрнатишган.

Самарқанд шаҳрининг Рудакий кўчасида жойлашган беш қаватли уйнинг 31-хонасига қисм кичик инспектори, кичик сержант Ихтиёр Кашамов бир неча маротаба ташриф буюриб, кира олмаган. Қўшниларининг айтишича, ошхонадаги газ оддий сув учун мўлжалланган 3 метр шланг орқали қўшни хонага ўтказилган экан.

Ёнғин назорати ходимларига маҳалла, қўни-қўшни, умуман фуқароларнинг ёрдами жуда зарур. Зотан, қарс икки қўлдан чиқади, деган нақл бежиз айтилмаган. Ўз вақтида нохушликларнинг олди олинса, атрофдагилар ҳам зарар кўришмайди.

**А. ИРГАШЕВ,**
**катта лейтенант.**
*Самарқанд вилояти.*

# «01» ХАБАР ҚИЛАДИ

**Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 214 маротаба ёнгин тўғрисида хабар тушди. Шулардан 14 таси ёлғон чақириқ бўлган. Ёнғинлардан етказилган моддий зарар миқдори 3 млн. сўмдан ортиқни ташкил этади. Турли сабабларга кўра юзага келган ёнғинларда 24 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олди.**

Самарқанд шаҳри Суғдиёна даҳасидаги хонадонлардан бирига қутқарув хизмати ёнғинни бартараф этишга етиб келганида, уйдаги жиҳозлар ёнаётганди. Ўз вақтида олиб борилган ҳаракатлар туфайли ёнғин ўчирилди ва тутундан димиққан уй эгаси Антоновни олиб чиқишди. Уй эгасининг маст ҳолда сигарета чекиб ухлаб қолиши ўз умрига зомин бўлди.

Самарқанд туманида яшовчи фуқаро Алимовнинг уйига ўрнатилган иситиш печини ўз вақтида соз ҳолатга келтирмагани қимматга тушди. Иситиш печининг қаттиқ қизиб кетиши натижасида ёнғин келиб чиқиб, уйнинг томи, шифти ва жиҳозлари зарарланди.

Ўртачирчиқ тумани Тўйтепа шаҳрида яшовчи фуқаро Назирова ошхонадаги газ плитасидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиши оқибатида кийимининг енги алангаланади ва уст-бошига ўтади. Натижада уй бекаси 75 фоизли куйиш тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилади. Жароҳати жиддий бўлгани сабабли шифохонада вафот этди.

Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро Ғиёсовнинг уйида ёнғин содир бўлаётганлиги ҳақида хабар тушди. Ёнғин ўчирувчилар зудликда белгиланган манзилга етиб келиб, офатни қўшни хонадонларга тарқалиб кетишининг олдини олишди ва тезда бартараф этишди. Дарвозахонада турган «NEXIA» русумли машинанинг мотор қисмида содир бўлган электр симларининг қисқа туташуви ёнғинга сабаб бўлган.

Юқорида санаб ўтилган офатлар фуқароларнинг лоқайдлиги оқибатида рўй бермоқда. Шунинг учун доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб, газ ва электр жиҳозлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш лозимлигини, болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликни эслатиб ўтамиз.

**У. ВАФОЕВ,**
**республика ИИВ ЁХББ муҳандиси,**
**катта лейтенант.**

# POSTDA-TV

**ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР** **16–22-fevral**

«O'ZBEKISTON» ЯКШАНБА, 13.30

## «Сўнгги самурай». Б/ф.



«YOSHLAR» СЕШАНБА, 17.30

## «Курьер». Б/ф.



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Жамоа ишларида фаол иштирок этиб, ҳамкасблар орасида эътибор қозониш имконияти туғилади. Ҳамфикр ва дўстлар сафини кенгайтиришга, атрофдагилар ишончини оқлашга ҳаракат қилинг. Янги режалар тузиб, илғор ғоялар борасида бош қотиришга тўғри келади.

### СИГИР

Кўзланган мақсадга эришиш йўлида бемалол ҳаракат қилиш учун имконият, куч-қувватингиз етарли эканлигини эслатиб ўтамиз. Дўстлар билан ҳамфикр ва ҳамжиҳатликда иш тутиш ўзаро тажриба алмашиш ва янги билимлар тузишни маслаҳат берамиз.

### ЭГИЗАКЛАР

Асосий эътиборни билим доирангизни кенгайтириш ва илмий фаолият билан шуғулланишга қаратишни маслаҳат берамиз. Чет элга сафарга чиқиш имкониятидан унумли фойдаланинг. Қўлдан келмайдиган ишни бажаришга ваъда бермаган маъқул.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Ўйламай қўйилган қадам кўп ташвиш келтириши ҳақида унутманг. Шошмашошарлик панд беришини эслатиб ўтамиз. Ҳафта дунёқарашни кенгайтириш, узоқ сафарга чиқиш, мулоқотлар учун қулай келади. Саломатлик ҳақида қайғуриш лозим бўлади.

### АРСЛОН

Шахсий муносабатларни яхшилашга эришиш имконияти туғилади. Муҳим ва масъулиятли ишларни ҳафтанинг иккинчи ярмига режалаштирган маъқул. Уларни кўнгилдагидай бажариш учун мавжуд имкониятларда самарали фойдаланишга ҳаракат қилинг.

### БОШОҚ

Бу ҳафтада ҳар ишда фаол бўлишга ҳаракат қилинг. Аммо шошмашошарликка йўл қўйиб бўлмаслигини унутманг. Ҳар бир ишни режа билан амалга оширган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида сизни янги танишув ва ишқий муносабатлар кутмоқда.

### ТАРОЗИ

Кундалик ишларда ўзингизнинг ижодий салоҳиятингизни намоён этишга ҳаракат қиласиз. Спорт билан шуғулланишга ҳам вақт ажратиш зарур. Бунга оила аъзолари ва фарзандларни ҳам жалб этишни маслаҳат берамиз. Ҳақиқий муҳаббатингизни учратишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.

### ЧАЁН

Уй юмушлари билан шуғулланишга вақт ажратиш лозим бўлади. Оила аъзолари билан ҳамжиҳатликда амалга оширилган иш унумли бўлади. Ишқий кайфият сизни ҳафта давомида тарк этмайди. Оила аъзоларингиз, жумладан, фарзандларингизга эътиборлироқ бўлинг.

### ЁЙ

Ҳафта мулоқотга бой бўлади. Қизиқувчан ва хушмуомала бўлганингиз боис, атрофдагилар эътиборини тортасиз. Қисқа муддатли сафар омадли кечади. Кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топади. Молиявий масалаларда шошилмаган маъқул.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Моддий аҳволингизни яхшилаш учун қулай имкониятлар юзага келади. Бу имкониятдан фойдаланишда ҳалоллик жуда муҳимдир. Дангасаликка берилмай енгни шимариб, бор кучингизни вазифаларни адо этишга қаратинг. Пул сарфлашда тежамкор бўлинг.

### ҚОВҒА

Ҳафта фаолликда ўтади. Ташаббус кўрсатиб, куч-қувватни фойдали ишларга сарфланг. Спорт билан шуғулланиш учун ҳафта қулай бўлади. Молиявий масалалар билан ҳафтанинг иккинчи ярмида шуғулланасиз. Саломатлигингизга аҳамият беринг.

### БАЛИҚ

Тушунарсиз вазиятларга дуч келишингиз мумкин. Ички дунёингизни яхшироқ билишга интиласиз. Атрофдагилар эътиборини тортишга ҳаракат қилиб, ўзингизни яхши тарафдан намоён этишнинг айни вақти. Бироқ камчиликлар ҳам юзага чиқиб қолиши мумкинлигини унутманг.

## «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Аёл эрки». Т/с.
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
9.35 «Изҳор».
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Покахонтас». М/с.
10.05 «Болалар дунёси».
10.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбегим ҳаёти».
11.00 «Ахборот».
11.10 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Миллий кино: «Хотира рашки».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Маънавият» дастури.
16.00 ТВ - анонс.
16.05 «Буюк аждодларимиз». Бобур.
16.35 «Бир кун».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тошга битилган тарих».
«Болалар сайёраси»:
17.30 «Эртаклар - яхшилика етаклар».
17.50 ТВ - анонс.
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 Т/с «Қайтар дунё».
18.40 «Олтин мерос».
18.50 «Очун».
19.00 «Камолот остонасида».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Т/с «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Зулматга етакловчи «нур».
21.50 «Муҳаббат ёғдуси». Т/с.
22.55 «Мари Кюри». Т/с.
23.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ташвишлари».
00.10-00.15 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.15 Кўрсатувлар дастури.
00.20 «Ватанпарвар».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Бир кун».
01.55 «Минг бир ривоят».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 Т/с «Туташ тақдирлар».
05.10 «Очун».
05.20 «Икки дарё оралиғида».
05.40 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

13.55 «Yoshlar» саломи».
14.00 «Камолот».
14.10 «Ишқ жодуси». Т/с.
15.00 «Тошкент тароnаси».
15.10 «Келажак эгалари».
15.20 «Мафтункор замин».
15.25 «Жаҳон операси».
15.35 «Муқаддас қадамжо».
15.55 «Сумалак хаёли».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
16.55 «Миллий мерос».
17.00 «Ёшлар ва таълим».
17.10 «Водий ҳаёти».
17.20 «Қишлоқ тараққиёти».
17.30 «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Б/ф.
18.50 «Юртим юраги».
18.55 «Улуғ неъмат».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ жодуси». Т/с.
20.20 «Ёшлик баёзи».
20.30 «Келажакка интилиб».
20.45 «Баҳор соғинчи».
20.50 «Шаҳзоданинг қушиғи». Т/с.
21.40 «Олтин тупроқ».
21.50 «UzEX».
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Миллий мерос».
22.35 «Ёшлар киноси».
Перикл ҳукмронлиги даврида Юнон маданияти, санъати беқиёс ривожланди. У эркин фуқароларнинг қис-туйғуларини ифодаловчи, уларни доимо озодликка чорловчи бир минбарга айланди. Ҳақиқий инсон қандай бўлиш кераклигини ифодалади. Перикл халқ йиғинида сўзлаган бир нутқида: "Бизнинг давлат тузумимиз бировларнинг муассасаларига тақлид эмас. Балки, ўзимиз бошқалар учун намуна бўлишимиз мумкин. Бу тузум демократия деб аталади. Чунки, озчиликнинг эмас, кўпчиликнинг манфаатларига асосланади. Хусусий манфаатлар учун қонунларимиз ҳаммага бир хил ҳуқуқ беради. Масаланинг сиёсий аҳамиятига келсак, кимдир қандайдир уюшманинг қўллаб-қувватлаётгани туфайли устунликка эга бўлмайди, балки ҳар ким ўзининг шижоатига мос бўлган ўринни эгаллайди. Камбағалнинг паст даражаси уни давлатга хизмат қилиш имкониятидан маҳрум этмайди", деган эди.



Босредаги Рим театри. II аср.

Юнон классикаси даври шартли равишда илк классика. Юқори ва сўнгги классика даврига бўлинади. Илк классика милоддан аввалги 490-450 йиллардаги Эрон – Юнон уруши даврига тўғри келади. Бу давр маданияти ва санъатида реалистик тенденцияларнинг ортиб бориши билан характерланади.

Юнон классикаси меъморчилигининг беқиёс намунаси, ақл-заковат ва афиналиклар ҳомийси бўлган Афина маъбудасига бағишлаб қурилган Парфенон ибодатхонаси ҳисобланади. Бу машҳур ибодатхонани милоддан аввалги 447-438 йилларда меъморлар Иктин ва Калликратлар Акрополъ марказида энг аъло мармар тошлардан, ёруғлик тушишига қараб ўз рангини ўзгартириб турадиган қилиб қурадилар. Бу ибодатхона афиналикларнинг хазинасини сақлаш учун ҳам хизмат қилган.

Фидий Парфинон ибодатхонаси ёнида дунёнинг етти мўжизасидан бири саналган Зевснинг ҳайкалини ҳам яратган. Фидий яратган худолар подшоси Зевс тахтда ўтирган ҳолда тасвирланган. Зевс чап қўлида маъбуда Никининг ҳайкалини, ўнг қўлида эса муқаддас бургут ўрнатилган подшолик ҳассасини ушлаб турибди. Ҳайкал олтин либосга бурканган. Унинг баландлиги 12 метр бўлиб, Зевснинг танаси фил суягидан тарошланган. Кўзлари қимматбаҳо тошлардан ясалган. Ҳайкал шу даражада маҳорат билан ишланганки, уни томоша қилган кишида турмушнинг ғам-ғуссалари унутилиб, азоб-уқубатлар тарқалиб кетган экан.

Милоддан аввалги 336-335-йилларда Македония подшоси Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) Эллин давлатларини босиб олади. Ўз юришларини Шарққа қаратади. Милоддан аввалги 329-327-йилларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ҳудудларини забт этиб, Афинанинг шимолий шарқи ва Болқон яриморолидан тортиб Ҳиндистонгача бўлган ҳудудни эгаллайди. Бу даврда Юнон маданияти шарққа кенг ёйилади.

Эллинизм даври қадимги грек ва шарқ халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларининг қўшилиб кетиш ва бирбирига таъсир кўрсатиш давридир. Шу сабабли ҳам бу давр маданиятини Эллинизм даври маданияти деймиз.

Юнон маънавий ҳаёти тараққиётида бу халқнинг қадимги санъати, афсоналарнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Айниқса, Юнонистоннинг кўҳна обидалари, қалъалари, тарихий музейлари, театрлари ҳамда шоирларининг достонлари, шунингдек, буюк рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарлари билан танишганимизда бунга ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳаёт ва афсоналардан олинган ажойиб ва гўзал инсонлар образини илк бор ҳаққоний акс эттира олган қадимги юнон санъати сўнгги даврлардаги реалистик санъатнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Илк театрлар қадимги Мисрда пайдо бўлган бўлса ҳам театрнинг ватани Юнонистон дейилади. Театр атамаси аслида юнонча сўз бўлиб, "томошалар жойи" деган маънони англатади. Театрлар Юнонистонда милоддан аввалги VI асрда пайдо бўлган. Илк бор театр томошалари ўсимликлар ва ҳосилдорлик ҳомийси бўлган худо Дионис шарафига ўтказилган. Бундай томошалар кўпинча Акропол – қалъа тепалигида кўрсатилган. Ўша пайтда қурилган айрим театрлар 14-25 минг томошабинни сиғдира олган.

Юнон театр асарлари ичида трагедияларнинг аҳамияти юксак бўлган. Трагедия атамаси аслида юнонча сўздан олинган бўлиб, "эчкилар қўшиғи" деган маънони билдиради. Бу давр трагедияларда афсонавий қаҳрамонларнинг ҳаёти, азоб-уқубатлари фожиали тасвирланади.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда Эсхил, Софокл, Еврипид каби машҳур шоирлар яшашган. Уларнинг ҳар бири бир қанча ўлмас трагедияларни ёзиб қолдирган. Улар орасида энг машҳури Эсхил бўлиб, у милоддан аввалги 525-456 йиллар орасида яшаган. У "Занжирбанд Прометей" ва "Форслар" каби 90 дан ортиқ трагедиялар муаллифидир. Эсхилни "трагедия отаси" деб атаганлар. Унинг "Занжирбанд Прометей" трагедияси бошқа асарларидан ажралиб туради.

Яна бир улуғ трагедия шоирларидан бири афиналик Софокл бўлиб, милоддан аввалги 496-406 йилларда яшаб ижод этган. У 120 дан кўпроқ трагедия ёзган. Аммо улардан еттитасигина бизгача етиб келган. Улар орасида энг машҳури "Шоҳ Эдип" ва "Антигона" трагедияларидир. "Шоҳ Эдип" трагедиясида шоҳ Эдипнинг ўз отасини ўлдириб, ўз онасига уйланишдек оғир жинояти тасвирланган.

Қадимги юнон театрида ҳазил, кулги, мутоиба руҳида ёзилган пьесалар ҳам кўплаб қўйилган. Комедия сўзининг маъноси "хушчақчақ деҳқонларнинг қўшиқлари" деган маънони англатган. Қадимги юнон комедиясининг йирик намояндаси Аристофан бўлиб, у милоддан аввалги 450-388 йилларда яшаб ижод этган. У "Тинчлик", "Аёллар халқ йиғинида" ва "Суворийлар" деган машҳур комедияларни ёзиб, ўз даврининг ҳажвий воқеаларни маҳорат билан тасвирлайди.

Юнон театрларида томошалар ниҳоясига етгач, махсус тузилган ҳайъат аъзолари одамларнинг фикрини эътиборга олиб, трагедия ва комедия муаллифларини, шунингдек, ижрочиларни гулчамбарлар ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаганлар. Юнонистонда машҳур пьесаларнинг муаллифлари катта иззат-ҳурматга сазовор бўлишган. Юнонлар театр томошаларига катта эътибор қаратганлар. Томошабинлар қўйилган трагедия ва комедия ҳамда актёрларнинг ижрочилик маҳоратини синчковлик билан кузатиб ўтирганлар. Улар театрни "тарбия мактаби" деб билганлар. Трагедиялар муаллифини эса "донишмандлик йўлбошчилари" деб атаганлар.

Юнонистонда ҳайкалтарошлик ниҳоятда юксак чўққига кўтарилади. Ҳайкалтарошлик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо унинг ривожланган даври милоддан аввалги V-IV асрларга тўғри келади. Юнонистонда ҳайкалтарошликнинг ривожланишига қадимги юнон тарихчиси Плутарх ҳазил тариқасида, "Афинада одамларга қараганда ҳайкаллар кўпроқ", деб ёзган экан.

Хулоса қилиб айтганда, Юнон маданияти дунё маданиятининг юксалишига бениҳоя катта ҳисса қўшди. Қадимги Юнон маданияти, санъати ва адабиёти юнон халқининг маънавий камолотга эришишида таянч бўлди. Шунингдек, ахлоқий жиҳатдан такомиллашувига олиб келди. Чунки, юнон шоири ва ҳайкалтароши томонидан яратилган ҳар бир санъат асарига юртга садоқат, мардлик ва жасорат ҳамда инсонпарварлик каби ғоялар чуқур сингдирилган эди. Шу боис ҳам юксак дид билан яратилган бундай бебаҳо санъат асарлари, замонлар ўтса-да, ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда.

**Ибодулла ҚЎНҒИРОВ,**
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

# САФАРБОЙНИНГ СЎНГГИ САФАРИ

Дўстлик туманидаги Боғдор қишлоғида яшайдиган Сафарбой Назарбоев кейинги пайтда тез-тез йўқолиб қоладиган одат чиқаради. Бир-икки ой кўринмай кетиб яна пайдо бўлади.

– Тирикчилик ташвиши, насибамни териб юрибман, – дейди сўраганларга камтарлик қилиб.

Бироқ унинг кирди-кори очилганда нима учун камтарлик қилаётгани маълум бўлди.

... Сафарбой тез-тез Жанубий Қозоғистон вилоятининг Еттисой шаҳрига ўтиб туради. У ерда кўпдан буён танишиб, иноқлашиб кетган жўралари бор. Бир куни улардан бири:

– Ер «тили»ни биладиган миришкор деҳқон керак. Анчагина жойга пахта экканман, – дейди.

– Пахта етиштирадиган зўр деҳқонлар бизда-ку, – дея кўкрагини керди Сафарбой.

Келишув бўйича уч-тўрт кун ўтиб, Сафарбой икки ҳамқишлоғининг уйига борди. «Ҳар ойда 500-600 минг сўм оласизлар, пахта ҳосили яхши бўлса, яна қўшимча мукофот ҳам беради» деб, ишонтириб бошлаб келади. Қозоғистонлик ер эгаси уларни Чимкент томонга олган эди.

Бу иш хамирдан қил суғургандай битганидан хурсанд бўлади. Чунки у ҳар бир ҳамқишлоғи учун 100 минг қозоқ тангаси олган эди.

Орадан бир ойлар ўтиб яна икки кишини Қозоғистонга олиб ўтиб, сотиб юборади.

Шу тариқа «камтарона» кун кечираётган Сафарбой ими-жимида беш нафар йигитни бир жойга чақириб:

– Яхши маошли иш бор. Ўзим бош бўлиб бораман. Бир йилда зўр уй қуриб олса бўладиган пул топиб келамиз, – дейди.

Беш нафар билагида куч тўлиб турган йигитларни Чимкентга олиб боради. Гўё ўзини «Ҳотамтой» кўрсатиб, йўл ҳақи, овқатланиш пулларини ўзи тўлайди. Бу бежиз эмаслиги кейин аён бўлади. Фирибгар қурилиш эгасидан ҳар бир йигит учун бир миллион сўмдан пул олади ва эртасигаёқ ғойиб бўлади.

– Бу йигит илгари наркотик модда олди-сотдисига аралашиб, қўлга тушиб, судланган, – дейди Дўстлик тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, капитан Жўрабой Эргашев. – Аммо олган жазосидан хулоса чиқармай, яна жиноятга қўл урган. Ҳамқишлоқлари, танишларини алдаб, Қозоғистонга ўтказиб, сотиб юборади. Сафарбойнинг танишлари катта даромад олиш илинжида унинг фирибига учиб, қурилишга борганларни беш-олти ой аёвсиз ишлатиб, кун совиб, ишлар тўхтагандан сариқ чақа ҳам бермай ҳайдаб юборади. Жабрланганлар бу ҳақда бизга хабар берганларидан сўнг Сафарбойнинг изига тушдик.

Сафарбой яна қишлоқда пайдо бўлиб, тўрт нафар йигитни алдаб, сотиб юбориш учун навбатдаги «сафар»га чиққанида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. У ўзининг сўнгги сафари эканини англаб, қилмишларини айтиб берди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Жиззах вилояти.*

«ИССИҚ ИЗИДА» ФОШ ЭТИЛДИ

# ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

***Оқолтин тумани ИИБга туман почта-алоқа тармоғидан нафақалар тарқатиш учун келтирилган 20 миллион сўм пул ўғирлангани ҳақида хабар тушди. Зудлик билан етиб борган туман ИИБ тергов-тезкор гуруҳи суриштирув ишларини олиб борди.***

– Почта-алоқа тармоғи ходимлари пуллар банкдан кечроқ келтирилганини айтишганда негадир шубҳамиз ортди, – деди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Эркин Саидов. – Яна бир томони пуллар 100, 200, 500 сўмлик купюраларда, иккита қопда бўлган. Бир киши шунча пулни олиб чиқиб кетолмайди, албатта. Бу жиноят аввалдан режалаштирилиб, икки-уч киши томонидан амалга оширилгани, яна бир томони почта-алоқа тармоғини яхши биладиган ёки хабардор бўлган кишининг қўлидан келиши мумкинлиги сир эмасди. Ўғрилик содир бўлган жойни текшириб, почта ходимлари, қоровул билан суҳбатлашишганда гаплар чалкаш чиқди. Шундан билиндики, бу жиноятда почта-алоқа тармоғидан кимдир аралашган. Тахминимиз эса тўғри чиқди.

Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога, деб бежиз айтишмайди. Ўғриликни почта-алоқа тармоғи қоровули Д. Кенжаев, хушхабарчи А. Шайманов ва укаси А. Шайманов амалга оширгани аниқланди. Туман ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари боис жиноят «иссиқ изида» очилиб, пуллар почта-алоқа тармоғига қайтарилди ва нафақа пуллари эгаларига тарқатилди. Шу ўринда, жиноятни фош этиш ва айбдорларни аниқлашда фаол иштирок этган майорлар Ж. Ҳайдаров, Д. Абдунабиев, Х. Ярбоев ва Ш. Хушмуродовни айтиб ўтиш жоиз.

**Н. ЙЎЛДОШЕВ,**
**катта лейтенант.**
*Сирдарё вилояти.*

ГИЁҲВАНДЛИК – ИЛЛАТ

# ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШТИРМАСИН

**Паркент тумани пойтахт вилоятининг тоғли ҳудудларидан ҳисобланиб, аҳолиси меҳнаткаш, ҳалол, ўзига яраша содда, бағрикенг инсонлар. Туман аҳлининг асосий даромадини қишлоқ хўжалиги экинлари, узумчилик-боғдорчилик ва чорвачилик ташкил этади. Энг муҳими, миллий қадриятларни қанчалик эъзозлашса, қонунларни ҳам шунчалик ҳурмат қилишади. Бунга ўтган йилда мудҳиш оқибатли жиноятларнинг содир этилмаганлиги далолатдир. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, белини оғритмай пул топиш дардида бўлганлар ҳам йўқ эмас. Ачинарли томони – бу ўзгаларнинг соғлиғи, тинчига путур етказиш, оилаларни қон қақшатиш орқали амалга оширилаётгани. Ахир қайси ота-она ўз жигарбандини, қайси аёл ўз турмуш ўртоғининг гиёҳвандга айланиб, кўз ўнгида сарғайиб сўлиши ёинки, жиноятчига айланишини истайди.**

– Гиёҳвандликни бежизга вабога ўхшатишмайди, – дейди туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант Шерали Джураев. – Ҳолбуки, унинг домига илинган ҳалокат гирдобида ғарқ бўлиши тайин. Жиноятларнинг аксарияти ана шу оғунинг таъсирида содир этилаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўтган йилда қирқдан ортиқ маҳаллада, 22 та мактаб ва 10 дан ошиқ корхона-ташкилотларда гиёҳвандликка қарши кураш, унинг мудҳиш оқибатларига бағишланган мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди. Тушунтириш-профилактика, тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, 16 та гиёҳвандлик ҳолатлари аниқланиб, 2,5 килограммга яқин наркотик моддалар олинди.

Юрт саломатлигига жиддий зарар етказувчи бундай иллатга қарши кураш бу йил ҳам самарали давом эттириляпти. Шу йилнинг январь ойида мазкур бўлим ходимлари томонидан муваффақиятли амалга оширилган тадбир натижасида яна бир гиёҳфурушнинг «беминнат хизмати»га чек қўйилди. Олтмишдан ошган, 6 нафар ўғил-қизнинг отаси, ўнга яқин невараларй бўлган бу кимсадан сотишга тайёрлаб қўйилган еттита гугурт қутисидаги 19,91 гр. ҳамда кукун ҳолида бўлиб ҳали қадоқланмаган 155,4 гр. марихуана олинди.

– «Бунинг заҳри қотил эканлигини била туриб, нега сотаяпсиз?» деган саволимга «Олаётган одам ўз соғлиғини ўйламаса, мен нима учун бош қотиришим керак экан?» дея сурбетларча жавоб берди у. «Ўз фарзандларингиз, невараларингизга шуни раво кўрармидингиз?» деган саволга жавоб беролмай бош эгди, – деб суҳбатни давом эттирди Ш. Джураев. – Туманимизда йигирмадан ортиқ гиёҳвандлар ҳисобда туради. Улар билан доимий равишда профилактик суҳбатлар ўтказиб, назоратини олиб борамиз. Бунда айниқса, ҳудудлардаги профилактика инспекторлари билан ҳамжиҳатликда олиб бораётган ишларимиз самарали бўляпти. Натижада уларнинг аксарият қисми бу балодан халос бўлиб, соғлом турмуш тарзини кечириб келишяпти.

Наримон нашани шунчаки эрмак учун истеъмол қила бошлаганди. Бироқ кўп ўтмай тамоман унинг асирига айланди. Турли йўллар билан уни топиб, ҳатто яширинча ўзи ҳам экиб, истеъмол қила бошлади. Шу туфайли эркин ҳаётини панжара ортида ўтказишига бир баҳя қолди. Бу йўлнинг охири берк эканлигини англади. Мана, ҳозир эл қатори яшаяпти. Шириндан-шакар фарзандлари бор.

Инсон адашиши мумкин. Аммо танлаган йўлининг хато эканлигини холис бир кимса кўрсатса-ю, у қўл силтаб кетаверса, бу энди чинакам сўқирликдир. Зотан, адашишлик айб эмас, уни тузатмаслик айбдир.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**
*Тошкент вилояти.*

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...

# ЛОҚАЙДЛИК ОРТИДАГИ ЖИНОЯТ

***Аввалига бу гапга биров ишонди, биров эса йўқ. «Ҳой, асоссиз миш-мишларга таяниб, бир мусулмани ёмонотлиққа чиқарманглар, гуноҳ бўлади-я! Вояга етмаган уч нафар фарзанднинг онаси бунақа пасткашликни ўзига эп кўрмаса керак нима бўлганда ҳам», дегувчилар кўп бўлди.***

Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмас экан. Фурқат туманида яшовчи Т. Дилдоранинг киссавурликка қўл урганлиги айни ҳақиқат эди. У аёзли кунларнинг бирида соат 11.00 ларда шу туманнинг Чиркай қишлоғида жойлашган «Ўриксор» номли хусусий ошхонада жабрланувчи У. Султонойга тегишли сумкани ўғирлаганлиги исботланди. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида сумка ва унинг ичида бўлган 450 минг сўм пул ҳамда фуқаролик паспортлари далилий ашё сифатида олиниб, бу ҳақда баённома тузилди ва гумондор сифатида жиноят иши қўзғатилди.

... Дилдора бир неча йил муқаддам шу туманнинг Узунчек қишлоғига келин бўлиб тушганди. Ўтган йили учинчи фарзанди дунёга келганида турмуш ўртоғи билан муросаси қочди. Дилдора ота уйига вақтинча кўчиб боришга мажбур бўлди. Эри эса умид билан бир ёстиққа бош қўйган хотини у ёқда турсин, балки бири-биридан ширин дилбандларини ҳам юз-хотир қилмай, ҳаммаларини ўз ҳолларига ташлаб қўйди.

Одатда бунақа пайтларда қўни-қўшнилар, кўпни кўрган мўйсафидлар, маҳалла фаоллари эр-хотиннинг уришини дока рўмол қуришига мензаб, панд-насиҳатлар билан ҳар икки томонни муросага келтириб қўйишарди. Ахир қўшнинг тинч – сен тинч деб бекорга айтишмаган. Аммо бу сафар ана шундай савобли ишга бош қўшадиган одам топилмади. Шу боисдан Дилдора ота уйида сиқилиб яшашга мажбур бўлди. Аммо бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак. Шундоқ ҳам юзи шувит онасининг моддий имконияти билан ҳисоблашмай тилига келганини айтиб, ҳархаша қилаверадиган икки фарзанд ва гўдак парваришлашнинг ўзи бўладими!

– 27 декабрь куни эрталаб фарзандларимнинг нафақа пулини олиш учун туман марказида жойлашган Халқ банкига келдим, – дейди гумондор шармисорликдан бош кўтаролмай. – Пул тарқатувчи опанинг исми Маҳбубахон эди. Ўша аёл менга икки нафар шериги билан Чиркай қишлоғидаги «Ўриксор» ошхонасига кетишаётганини айтиб, пул солинган халталарни ўша ерга олиб боришга ёрдамлашиб юборишимни илтимос қилди. Биз манзилга етиб келгач, нафақа пули олиш учун келган бир неча аёллар билан ошхонанинг алоҳида хонасига кирдик.

Маҳбуба опа рўйхатга назар ташлаб, унда менинг фамилиям йўқлигини айтди. Ҳафсалам пир бўлиб маҳалла раиси Камолиддин акага учрадим. Ундан нима сабабдан мени нафақа олувчилар рўйхатига қўшмаганини сўрадим. У эса эсидан чиқиб қолганини, кейинги ойда албатта, тўғрилаб беришини маълум қилди.

Агар Камолиддин ака зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, қабулига келувчиларга нисбатан эътиборлироқ бўлганида «паришонхотирлик»ка мутлақо йўл қўймасди. Дилдора эса боши берк кўчага кириб қолмасмиди.

Адолатсизлик туфайли йиғламоқдан бери бўлиб турган она бир фурсат каловланиб қолди. Ўйлай-ўйлай яна «Ўриксор»га бориб, Маҳбуба опага ялиниб-ёлвориб қарз сўрашга қарор қилди. Аммо хонада одам тирбандлигидан кассирнинг қўли-қўлига тегмас, шунинг учун Дилдоранинг гапи оғзида қолаверди.

– Ўша ерда қўлимдаги елим халтани бошқа аёлларнинг буюмлари турган жойга яқин қўйгандим, – дейди гумондор янада маъюсланиб. – Кейин халтани олаётиб, унинг ёнида турган сумкани билдирмай ўзиминкининг ичига солдим ва ташқарига чиқиб кетдим.

Нима қиларимни билмай Ҳуррият исмли дугонамникига йўл олдим. Унга бўлган воқеа ҳақида лом-мим демай, қора рангли чармдан тайёрланган сумкани очиб ҳам кўрмай узатдим ва кейинроқ олиб кетишимни айтдим...

– Гумондор суриштирувлар жараёнида барча қилмишларига иқрор бўлган эсада, барибир уни бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган қаллоблар сафига қўшиш инсофдан эмас, – дейди Фурқат тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, подполковник Акрамжон Мадумаров. – Менимча, у ён-атрофдагилар, хусусан, маҳалла фаоллари эътиборсизлиги, лоқайдлиги қурбони бўлди.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**
*Фарғона вилояти.*

МИНИ-ФУТБОЛ

# МУСОБАҚА БОШЛАНДИ

**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида спортни ривожлантириш шахсий таркибнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда жисмоний тарбияни соҳа ходимлари ўртасида оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўтказилаётган турли мусобақалар уларнинг соғлом, бақувват ва руҳан тетик бўлишининг омилидир.**



Республика ИИВ машқ марказининг спорт залида вазирлик аппарати Бош бошқарма, бошқармалар, мустақил бўлимлар ходимлари ўртасида мини-футбол мусобақаси старт олди. Уни республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник Зикрилла Неъматов кириш сўз билан очар экан, мамлакатимизда спорт йилдан-йилга ривожланиб бораётгани, спортчиларимиз юксак ғалабаларни қўлга киритаётганини таъкидлади ҳамда мусобақанинг аҳамияти ва бундай соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш шахсий таркибнинг жанговар ва жисмоний салоҳияти ошишида муҳим роль ўйнашини айтиб ўтди. Маросимда мадҳия садолари остида Ўзбекистон Республикаси байроғи кўтарилди. Шундан сўнг мусобақа бошланди.

Турнир жадвалига асосан 26 та терма жамоа беш гуруҳга бўлинган ҳолда финалга чиқиш учун гуруҳ учрашувларида тўп суришмоқда.

Мусобақанинг дастлабки ўйинида майдонга ИИВ Ҳарбий сафарбарлик ишлари ва фуқаролар муҳофазаси бўлими ҳамда Молия-иқтисод бошқармаси вакиллари тушди. Учрашув ҲСИ ва ФМБ мини-футболчиларининг ғалабаси билан якунланди.

— Мусобақа савияси йилдан-йилга ошмоқда, — дейди республика ИИВ ШТБИХ Касбий тайёргарлик ва шахсий таркибдан тест синовларини қабул қилиш бўлими бошлиғи, подполковник Абдурасул Сулаймонов. — Ўтган йили 18 та жамоа иштирок этган бўлса, бу йилги беллашувларда 26 та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб бормоқда. Жамоаларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳам қониқарли. Спортчиларнинг аввалги мусобақага нисбатан шаштлари анча баланд.

Дарҳақиқат, беллашувлар қизиқарли ва муросасиз тус олмоқда. Учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Футбол федерациясининг тажрибали ҳакамлари томонидан мини-футбол қоидаларига асосан бошқарилмоқда. Мусобақа иштирокчиларига эса зафар тилаб қоламиз.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

**Суратда:** ***мусобақадан лавҳа.***
**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган сурат.**

ТАШАББУС

## ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

**Гурлан тумани ҳокимлиги ва ИИБ ташаббуси билан «Шунқорлар» ҳарбий тайёргарлик спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Олти коллеж жамоаси иштирокидаги ушбу мусобақанинг ҳар бир босқичи кескин баҳсларга бой бўлиб, қатнашчилар яхши натижаларни кўрсатишга ҳаракат қилишди.**

Бундай мусобақаларнинг тез-тез ўтказилиши ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бир қаторда ҳарбий кўникмаларини оширади.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Гурлан енгил саноат коллежи жамоаси йигитлари энг эпчил ва чаққон деб топилди. Дўсимбий ва Гулистон касб-ҳунар коллежи вакиллари эса кейинги ўринларни банд этишди.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

**Умид РАҲИМОВ,**
**катта сержант.**

*Хоразм вилояти.*

ВОЛЕЙБОЛ

## КУЧЛИЛАР ҒОЛИБ

**Шовот туманида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида волейбол мусобақаси бўлиб ўтди.**

Ички ишлар бўлимининг спорт залида ўтказилган мусобақада вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан иборат 10 та жамоа фахрли ўринлар учун кураш олиб боришди.

Муросасиз ўтган баҳсларда туман МХХ бўлими биринчи, сафарбарлик чақирув резерви бўлими иккинчи ва туман ИИБ жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, Шовот тумани МХХ ходими Бекпўлат Болтаев «Энг тажрибали ўйинчи», туман ИИБ ходими Расул Эшмуродов «Энг ёш ўйинчи», туман мудофаа ишлари бўлими ходими Ҳасанбой Рўзметов «Энг тажрибали ўйинчи» деб топилдилар.

Ғолиблар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**Рустам ҚУРБОНБОЕВ,**
**подполковник.**

*Хоразм вилояти.*

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ГУУС «ЧЕЛСИ» МУРАББИЙИ

Россия терма жамоаси бош мураббийи Гуус Хиддинк Лондоннинг «Челси» жамоасини уч ой — 2008-2009 йилги футбол мавсумигача бошқарадиган бўлди. Бу Россия футбол иттифоқи ҳамда Англия клуби ўртасидаги ҳамкорлигидаги келишувига асосланди. Эндиликда Хиддинк Россия терма жамоаси ва «Челси» ишларини биргаликда олиб боради. Эслатиб ўтамиз, 9 февраль куни «Челси»нинг бразилиялик бош мураббийи Луис Филипе Сколари истеъфога чиқди.





### ГИЛАМДА – ПОЛВОНЛАР

Париж шаҳрида дзюдо бўйича «Катта дубулға» туркумига кирувчи турнир якунланди. Эркаклар ўртасидаги беллашувларда 81 кг. вазнда кореялик, 78, 90, 100, 70 кг. вазн тоифасида франциялик дзюдочилар, 100 килограммгача бўлган вазнда эса япониялик спортчилар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

### «ИСКРА» ИЛГАРИЛАМОҚДА

Волейбол бўйича Европа чемпионлар лигасининг 1/8 финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Искра» (Москва) жамоаси «Нолик» (Бельгия) устида 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. 18 февраль куни бўладиган яна бир учрашувда москваликлар ўз мавқеини мустаҳкамлаш ниятида.

### ЧИПТАЛАР ТАЛАШ

Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати ташкилотчилари сотувга чиқарилган 500 минг чиптадан 200 мингини сотилганлигини маълум қилди. Мусобақадан тушадиган маблағ 15 млн. евро бўлиши кутилмоқда. Эслатиб ўтамиз, мазкур жаҳон биринчилиги шу йилнинг 15-23 август кунлари Берлин шаҳрида бўлиб ўтади.




### АҚЛЛИЛАР БАҲСИ

Шахмат бўйича Moscow Open турнирида америкалик гроссмейстер Александр Онищук оқ доналарда голландиялик Сергей Тиваковни мағлуб этди ва ғолиб бўлди. Учинчи ўринга Молдава вакили Виорел Иорданескка ҳеч қандай имконият қолдирмаган шахматчи Эрнесто Инаркиев (Россия) лойиқ деб топилди.

### ЭНГ ҚИММАТ ФУТБОЛЧИЛАР

Португалиянинг «Futebol Finance» нашри 2008-2009 йилги футбол мавсумидаги энг кўп маош оладиган ўйинчилар рўйхатини чоп этди. Рўйхатни «Интер» ва «Милан» жамоалари футболчилари Златан Ибрагимович ҳамда Кака бошқариб турибди. Леонель Миссе («Барселона»), Жон Терри, Франк Лэмпард («Челси»)лар кейинги ўринларни эгаллаган. Шунингдек, кучли ўнликдан украиналик футболчи Андрей Шевченко жой олди.



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги катта сержант **Фотима АЗИЗОВА**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, яна кўп йиллар фарзандлари камолини кўриб, оила аъзолари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

**Оила аъзолари номидан турмуш ўртоғи Камолиддин Азизов.**

САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

# ЮРАКНИ АСРАНГ

Тиббиётчилар кейинги пайтда кишилар ўртасида юрак-қон томир касалликлари кўпайиб бораётганини тез-тез таъкидлаб туришибди. Бу касалликка чалинишнинг бош сабабчиси ўзимиз эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Танамиздаги қонларнинг ҳаракатини таъминлаб турадиган халқ тили билан айтганда «мотор» ролини ўйнайдиган юракни асрашимиз керак. Тиббиёт ходимлари агар юрак безовта қилмаса ҳам йилда бир марта мутахассис шифокорга учраб туриш, юракни электрокардиограмма қилдириб туришни тавсия этишади.

Юрагим доим соғ бўлсин, десангиз биринчи галда, овқатланишни бир тартибга солиб олиш керак. Яъни, бир вақтда овқатланиш лозим. Спиртли ичимликлар, аччиқ чой, аччиқ қаҳва, ёғли гўшт, шўр ва аччиқ овқат юрак-қон томир ва асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади, безовта қилади, охир-оқибат юракни касалликка чалинтиради. Ҳайвонлар ёғини камроқ, ёғсиз мол гўшти, товуқ гўшти, сут маҳсулотларини эса кўпроқ истеъмол қилган маъқул. Ўсимлик ёғи дастурхонда кўпроқ бўлгани яхши. Қовурилган овқатларни ҳам меъёридан ошириш керак эмас.

Юрак касалликларининг яна бир сабабчиси семизликдир. Кам ҳаракат қилиш ортиқча вазн тўпланишига сабаб бўлади. Шунинг учун жисмоний ҳаракатни кўпайтириш керак. Очиқ ҳавода сайр қилиш, сувда сузиш, спорт билан шуғулланиш юрак фаолиятини яхшилайди.

Халқ табобатида юракни турли касалликларга чалинмаслиги ёки безовта қилганда, касалланганда қўллаш мумкин бўлган муолажалар кўп. Қуйида шулардан айримларини келтириб ўтамиз.

Кечқурун беш-олтита туршак (ўрик қоқиси)ни стаканга солиб устидан қайнаган сув соласиз. Эрталабгача туршакдаги юрак учун зарур бўлган дармондорилар сувга чиқади. Тонгда нонуштадан аввал сувни ичинг. Бу муолажани ҳар куни беш-олти ой давомида такрорланг. Натижасига қараб, бир ой дам олиб яна давом эттириш мумкин.

Юрак оғриганда сут ичиб туриш ҳам фойдали. Чунки сутда инсульт, юрак касалликлари ва диабетнинг олдини олиш хусусияти бор.

Агар юрагингиз қувватсиз бўлса қизил лавлаги еб туриш тавсия этилади. Мутахассислар унинг таркибидаги минераллар юрак-қон томир касалликларига қарши курашишини аниқлашган. Лавлагини хомлигича қирғичдан ўтказиб еган маъқул.

Табобатчилар шунингдек, юраги қувватсизланган кишиларга кунига бир-икки бўлак саримсоқ еб туришни тавсия этишади. Саримсоқ киши танасида қон айланишни яхшилайди.

Овқатлар таркибида дуккакли ўсимликлар меваларидан бўлиши ҳам фойдали. Ловия, нўхот организмдаги ортиқча холестеринни чиқариб юборади.

**С. АБДУЛЛАЕВ**
**тайёрлади.**

*Айрим уста-новвойлар томонидан унинг тайёрланиш усуллари сир сақланиб, энг ишончли шогирдларгина ундан хабардор этилган.*

# ҲОРДИҚ

*Дам олиш саҳифаси*

МИЛЛАТ ФАХРИ

## САМАРҚАНД НОНЛАРИНИНГ СИРИ

**Ривоятларга қараганда, Бухоро амири самарқанд нонларини татиб кўргач, Самарқанднинг энг уста новвойларини Бухорога таклиф қилган экан. Бироқ улар ёпган нонларнинг самарқанд нонларига мутлақо ўхшамаслигини сезиб, ғазаб билан сабабини сўрабди. Сабабини билолмай турган новвой «Бу ерда Самарқанд ҳавоси йўқ-да» деб жазодан қутулиб қолган эмиш.**



Албатта, ривоятда ҳаво борасида бирмунча бўрттирилган бўлиши мумкин, бироқ устанинг ўз иш жойи, тандири, суви, иқлими, буғдойи, уни ҳам алоҳида аҳамият касб этиши табиий.

Оби-нонларнинг сифати хамиртурушга ҳам боғлиқ. Одатда хамиртуриш покиза, кўздан пана, салқин жойда сақланади. У ниҳоятда қадрланиб, хамиртуриш турган томонга оёқ узатиш ёки ундан ҳатлаб ўтиш гуноҳ ҳисобланади. Айрим уста-новвойлар томонидан унинг тайёрланиш усуллари сир сақланиб, энг ишончли шогирдларгина ундан хабардор этилган.

Оби-нонларнинг шакли ҳам ўзига хос. Қизиги, ўтган асрнинг 70-йилларида Иттифоқ озиқ-овқат саноати вазирлиги Россия илмий-текшириш институти олдига оби-нонларни ишлаб чиқариш учун қолиплар тайёрлаш масаласини қўйган. Хайриятки, бу уринишлар муваффақият қозонмади, кўп ўтмай эса у бутунлай қолиб кетди.

Ўзбек оби-нонларининг тури жуда кўп ва тайёрланиши хилма-хилдир. Ҳар бир вилоятнинг оби-нонлари бетакрордир. Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган ҳар бир инсон албатта, Гала-Осиё оби-нонини харид қилмай кетмайди.

Бу анъана тусига кирган десак хато бўлмайди. Унинг ўн бешдан ортиқ турлари бор. Айримлари қаймоқ, сут зардобига қўшилган пиёз ёки кунжут ёғидан тайёрланиб, қотганида ҳам асл кўринишини сақлайди. Сувга шимдирилганида мазаси қайта тикланади.

Шунингдек, жиззали, маккажўхори унидан тайёрланадиган зоғора, гиёҳлар дамламасидан тайёрланадиган кўк патир ва бошқа кўплаб турлари мавжуд.

Одатда оби-нонлар пичоқ билан кесилмай, қўл билан ушатилади. Ноннинг «юзини» пастга қаратиб қўйиш ҳам бу азиз неъматга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади.

Қадимдан ўз қадрдон маконидан узоққа чиқиб кетаётганлар нонни тишлаб қолдириш билан бирга, ўзлари билан бирга йўлга нон олишган. Никоҳ маросимини ўтказишда ҳам алоҳида нон синдириш урфи бугунги кунгача сақланиб қолган.

Юртимизда нон Яратганнинг беназир неъмати ҳисобланиб, ниҳоятда эъзозланади.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА тайёрлади.**

## КУЛГИХОНАДА

Дўкондаги шикоятлар китобидаги ёзувдан:

– Мен сизлар сотаётган колбаса ҳақида шундай ўйлайман. Менинг итим шу колбасани уйгача тишлаб борса-да, бир бурдасини ҳам еб кўрмаган бўларди.

* * *

– Сомса! Сомсаларга кеп қолинг!...

– Сомсангиз қанақа?

– Ҳар хил, манавилари бугунги, манавилари кечаги, мана булари эса ўтган кунги!

Бир бўйдоқ йигит дўстига деди:

– Мен ўзимга гўзал, ақлли, садоқатли ва оилапарвар қизни топаман.

– Хўш, тўрттасини қандай боқасан? Бу ҳақда ўйлаб кўрдингми?

* * *

Бозорда кекса бир кампир ўтиб кетаётган йигитга деди:

– Севган қизингизга гул сотиб олмайсизми? Жудаям совқотиб кетдим.

– Гулингиз қанчадан ўзи?

– Донаси беш мингдан.

– Онахон, қалинроқ кийиниш керак эди-да...




РАНГИН ДУНЁ

**Таниқли инглиз ёзувчиси Даниель Дефонинг «Робинзон Крузо» асарини ўқимаган одам бўлмаса керак. Асар асосида ишланган кинофильм ҳам йиллар давомида мухлислар дилидан жой олиб улгурган. Ёзувчи ўз қаҳрамони, яъни Робинзонни ўйлаб топмаганини ҳам кўпчилик яхши билади. Асарда тақдир тақазоси билан Маса Трерра оролига тушиб қолган шотландиялик денгизчи Александр Селркиркнинг кўрган-кечирганлари, азоб-уқубатли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.**

## РОБИНЗОН БЎЛИШ ОРЗУСИДА

Александр Селркирк денгиз кемаларининг бирида штурман бўлиб ишларди. Уларнинг кемаси жанубий денгиз бўйлаб сузиб борарди. У негадир кема капитани билан чиқишолмас, ораларидан гап қочарди. Бир куни кема Хуан-Фернандес оролларининг бирига лангар ташлаб, тўхтаганида Селркирк лаш-лушларини йиғиштириб шу ерда тушиб қолади. Бироқ у адашган эди. Буни ўзи ҳам англайди, лекин кемага қайтиб чиқаришмайди. Натижада у кимсасиз оролда ёлғиз ўзи қолади.



Маса Трерра ороли унчалар қўрқинчли эмасди. У ерда йиртқич ҳайвонлар яшамас, заҳарли илон ва чаёнлар умуман йўқ эди. Селркирк соҳилга чиқиб чириб қолган кемадан топилган михлар ёрдамида ўзига иккита кулба қуриб олади. Вақт ўтиши учун у қайта-қайта китоб ўқир, адаштириб юбормаслик учун кунларни эшикка ўйиб ёзиб қўярди. У шу алфозда, тўрт йил сабр билан кимсасиз оролда яшади.

1709 йилда ва ниҳоят Селркиркни инглизларнинг «Дюк» номли кемасидагилар топиб олади ва ўзлари билан олиб кетади. Ўша кема капитани Вудс Рожер ўз кундаликларида шундай ёзади:

«Александр Селркирк ўз тилини қарийб унутаёзганди. Зарур гапни қийналиб-қийналиб тушунтиради. Сўзларини охиридаги қўшимчаларини ютиб юборар, одамлардан қочиб, танҳо қолишга интиларди».

Селркиркнинг бу машҳур саргузашти бутун дунёга овоза бўлиб кетди. Чиндан ҳам ҳайратланарли воқеа эди. Тасодифан кимсасиз оролга тушиб қолиш, у ерда тўрт йил ёлғиз яшаш, чексиз азоб-уқубатлар. Булар одамдан қанчалар сабр ва бардош талаб этишини билсангиз керак. Лекин кўп ўтмай баъзи одамлар буни синаб кўрмоқчи, ўзларини сохта Робинзон қилиб кўрсатмоқчи бўлишди.

Француз радиоси репортёри Жорж де Кон Робинзон Крузонинг бошидан кечирганларини ўзида синаб кўрмоқчи бўлганларнинг дастлабкиси эди. Кон ўз орзусига етишиш учун Полинезиядаги Энао оролини танлади. У ёқларга Француз ҳукумати томонидан сургун қилинганлар юборилларди, холос. Хуллас, у бир йил оролда ўзи яшамоқчи эди. Ўзи билан жуда кўп озиқ-овқат, иш қуроллари ва дори-дармонлар олганди. Бундан ташқари, ҳар беш дақиқада эфирга чиқадиган радио узатгичи ҳам бор эди.

Йўқ, унинг орзуси ушалмади. Тўрт ой яшаган бу «Робинзон»ни тўппа-тўғри касалхонага олиб келишди. У 16 кг. озган, аҳволи жуда оғир эди. Охири ёлғизликка чидай олмаслигини тан олади.

Инглиз талабаси Майкл Свифтнинг ҳам шундай тажрибаси омадсиз тугади. Тўғри, унинг сабаби бошқача бўлди. У Тинч океани оролларида робинзонликни бошлаган эди, бу дарҳол Янги Зеландия божхоначилари қулоғига етиб борди ва уни визаси йўқлиги учун ороллдан қувиб солишди.

Навбатдаги Робинзон журналист Жералрд бўлди. У бошқачароқ йўл танлади. Ўзига ўхшаш саргузашт-талаб аёлни топиш учун газетада эълон берди. Аёл ҳам дарров топилди. У 24 ёшли Лондон фирмаси ходимаси Люси Ирвин хоним эди. Хуллас, улар жуфт бўлиб кимсасиз оролда яшай бошлашди. Аммо бу кўпга чўзилмади. Озиқ-овқатнинг йўқлиги, чучук сув танқислиги, очофат акулалар ва ҳашоратларнинг таҳдиди кўп ўтмай Люсини сабр-косасини тўлдирди. У робинзонликдан кечиб Англияга қайтди ва «Ева ва жаноб Робинзон» китобини ёзди.

Шундан сўнг оролда Жералрднинг ўзи ёлғиз қолди. Лекин кўп ўтмай маҳаллий қабила удумига кўра бир аёлга уйланишга мажбур бўлди.

1974 йилда Полинезиянинг Антож оролига тўхтаган АҚШ кемасидагилар яна бир робинзонни учратди. У Янги Зеландиялик Том Нил бўлиб, оролда товуқ, чўчқа ва каптар боқаркан. Ёнида вафодор ити ҳам бор эди. Том уйига қайтиш фикридан воз кечган ва оролда қолган.

Бундан ташқари, робинзонликни орзу қилганлар кўп бўлди. Лекин ҳақиқий Робинзон, яъни Селркирк каби сабр ва бардошли, омади кулгани ҳалигача топилгани йўқ.

**Абдувосит СИДДИҚОВ тайёрлади.**

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**

Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**

Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-6908. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57239 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**